

Россия империясининг Туркистондаги анъанавий таълим тизимига муносабати

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон халқлари ҳаётида Россия империясининг ҳарбий юришлари натижасида ўлканинг забт этилиши, янги ҳокимият ўрнатилиши билан аҳоли турмуш тарзи аста-секин ўзгариб, янги ҳуқуқий, сиёсий, маънавий ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар гирдобига тортилди.

Ўрта Осиё халқларини Россия империясига бўйсундиришда ўлкада империя бошқарув тизимининг жорий этилиши энг биринчи вазифалардан бири эди. Ундан ташқари, ўлкани иқтисодий жиҳатдан ўзлаштириш мақсадида ташкил этилган турли шаклдаги корхоналар фаолияти учун рус тилини ва қатор малакаларга эга бўлган мутахассислар талаб этиларди. Ташкил этилган рус таълим муассасаларидан кўзланган мақсадлардан бири талаб этилган мутахассисларни тайёрлаш ҳам эди.

Туркистонда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида мустамлакачи ҳукумат “руслаштириш” сиёсатини олиб борди. Бу сиёсатнинг бир йўналиши сифатида ўлкада рус таълим тизимининг жорий этилиши ҳокимият вакиллари олдида турган муҳим вазифага айланди. Рус таълим муассасалари ёрдамида маҳаллий аҳоли вакилларида келажакда мустамлака тузум сиёсатига хизмат қилувчи содиқ кишиларни тарбиялаш режалаштирилган эди.

Энг аввало, ўлкада рус таълим муассасалари тизимини шакллантириш ҳамда маҳаллий аҳоли орасида рус тили ва маданиятини тарқатиш таълим ислоҳотларидан кўзланган биринчи даражали мақсад сифатида белгиланган. Бироқ ўлкада асрлар давомида фаолият юритаётган анъанавий мактаб ва мадрасалар бунга тўсқинлик қилмоқда эди.

Империяни янги этномаданий хилма-хилликка эга бўлган фуқароларини ягона давлат миқёсида бирлаштириш, империяни мустамлакачилик манфаатларини илгари суриш, этник муносабатларни тартибга солиш, замонавийлаштириш сиёсати суръатини тезлаштириш, ислом муҳитига Россия таълими элементларини сингдиришда Россия империяси Халқ маорифи вазирлигининг 1870 йилда қабул қилинган Ўқув бўлимини ташкил этиш бўйича Лойихаси устувор аҳамиятга эга бўлди.

Россия империяси ҳукмронлиги даврида ўлкада янги типдаги рус таълим тизимини яратиш бир неча босқичда амалга оширилди. Жумладан, таълим соҳасидаги ишларнинг биринчи босқичи 1867 йилдан то XIX асрнинг 80йилларигача бўлган даврни ўз ичига олиб, империя маъмурияти томонидан ўлкадаги русийзабон аҳоли болалари билан бирга маҳаллий аҳоли болалари таълим олиши мумкин бўлган рус мактаблари ташкил этилиши билан биргаликда маҳаллий таълим тизимига нисбатан “менсимаслик” сиёсати қўлланилган. Иккинчи босқич XIX аср 80-йиллар ўрталаридан XX аср бошигача бўлган даврни ўз ичига олган. Бу даврда маълум маънода маҳаллий аҳоли эътиборини қозона олган рус-тузем мактаблари ташкил этилган. Улардаги таълим усуллари туб ерли аҳоли таълим анъаналарига яқинлаштирилди. Шу билан бирга, ўрта таълим ва касб-хунар таълими муассасалари ташкил этилди. Бу даврда муваффақиятсиз бўлса-да, мусулмон

таълим муассасалари устидан қатъий назорат ўрнатишга йўналтирилган тадбирлар амалга оширилган. Учинчи босқич XX аср бошидан 1917 йилгача бўлган даврни ўз ичига олиб, бу даврда маҳаллий ва рус маърифатпарварлари томонидан ўлкада таълим тизимларини кенг миқёсдаги ислоҳ этиш, таълим ва тарбия бериш усулларини замонавийлаштиришга қаратилган лойиҳа ва таклифлар илгари сурилди. Ундан ташқари, XIX аср охирларидан ўлка бўйлаб кенг тарқала бошланган жаҳид мактабларига нисбатан улар мавқеи ва таъсирини кенгайтиришга қаратилган қонуний ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва қатор чекловлар жорий этилди. Бошланғич ва ўрта таълим муассасалари тармоғи кенгайтириш билан бирга улардаги таълим дастурлари ҳам империя манфаатларига мос равишда такомиллаштирилиб борилди. Жаҳидлар томонидан ташкил этилган “янги усул” мактаблари миллий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган илк қадамлар бўлишига қарамасдан, империянинг ўлкадаги мустамлакачилик сиёсатига қарши хавф туғдира олди. Империя маъмурияти томонидан маҳаллий маърифатпарвар зиёлилар фаолияти тазийқ ва сиқувлар остига олинди.

Туркистон ўлкаси босиб олинishi билан бу ерга Россия марказий ҳудудларидан ҳарбийлар, инженерлар, врачлар, турли соҳа бўйича мансабдорлар ва уларнинг oilалари кўчиб кела бошлади. Улар учун янги шаҳарлар барпо этилди, мавжудларида эса рус тилида сўзлашувчи аҳоли яшаши кўзда тутилган янги шаҳар қисмлари ажратилди. Биринчи навбатда ушбу oilа фарзандлари, кейинчалик маҳаллий аҳоли болалари учун рус таълим муассасаларини ташкил этиш режалаштирилди.

1869-1870 йилларда Халқ маорифи вазири Д.А.Толстой раҳбарлигида Волгабўйи, Урал, Сибир ва Қрим аҳолиси орасида бошланғич мактаблар тизимини кенгайтириш лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида рус бўлмаган халқлар таълимига нисбатан маориф соҳасидаги сиёсатнинг асосий ғоялари шакллантирилди. Унда: “Бизнинг Ватанимиз сарҳадларида яшовчи барча ғайритаъба¹ларни ўқитишдан асосий мақсад, шубҳасиз, уларни руслаштириш ва рус халқи билан аралаштириш”,² – деб қайд этилган эди. Яъни империя ҳукумати рус таълим муассасаларини ташкил этиш ва уларга маҳаллий аҳоли вакилларини жалб этиш орқали келажакда туб ерли халқларни рус ҳукуматига ғоявий жиҳатдан тўла бўйсундиришга эришишни кўзлар эди.

1870 йил мартда Маориф вазирлиги ишлаб чиққан лойиҳа асосида “Россияда истиқомат қилувчи ғайритаъбалар таълими учун тадбирлар тўғрисида”³ги Қонун қабул қилинди. Вазирликнинг ушбу тартиблари 1870 йилда генерал-губернатор К.П.Кауфман буйруғига биноан ташкил этилган махсус комиссия лойиҳасида ўз аксини топди.

1870 йил 26 мартдаги Россия империя Халқ маорифи вазирининг ҳукуматга тасдиқлатган маърузасида мавжуд ва келажакда ташкил этиладиган мактаблар ва мадрасаларда мусулмон жамоалари ҳисобидан рус синфларини

¹ Ғайритаъба - инородец (инородческий) – Россия империясида: Шарк, асосан, Россия чекка минтакаларидаги кам сонли миллатлар.

² Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 382 иш, 8-варақ.

³ Сборник постановлений по Министерству народного просвещения. Т. IV.

ташқил этиш зарурлиги таъкидланган таклиф амалиётга тадбиқ этилмаган⁴.

Мустамлакачи ҳукуматнинг таълим сиёсатида белгиланган мақсадлар расман эълон қилиниб, мусулмонларнинг диний масалаларига қатъий аралашмаслик тамойилига амал қилинган ҳолда амалга оширила бошланди. Бу ҳукуматнинг мусулмон диний таълим муассасалар назоратини амалга оширишга бўлган интилишларидан ташқари, ўлкада православ динини тарғиб этишнинг ҳар қандай усул ва воситаларидан воз кечишини англатар эди. Империя барқарорлиги омили сифатида қаралган ўзгаларнинг миллий ва диний кадриятларини намойишкорона ҳурмат қилиш сиёсатини Россия Буюк Британиядан ўзлаштирган⁵. Шунга қарамай, мазкур сиёсат қўлланиши оқибатида минтақада рус таълим тизимларини тарғиб қилиш муваффақиятсизликларга учради. Чунки анъанавий таълим ўлка халқлари диний ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Диннинг дахлсизлиги ва маҳаллий таълим фанлари асосида диний билимларнинг мужассамлашганлиги маҳаллий халқлар таълим анъаналарига ёт бўлган рус таълим масканларига туб ерли халқлар вакиллари жалб этиш имкониятини камайтирарди.

XIX асрнинг 70-йилларигача Перовск форти, Казалинск, Чимкент, Самарқанд, Петро-Александровск, Каттақўрғонда рус аҳолиси сонининг ошиб бориши натижасида бошланғич рус таълим муассасаларига бўлган талаб ошиб борар ва шу давргача ҳам бошланғич рус мактаблари мавжуд бўлиб, улар муайян режаларсиз, асосан, рус аҳолисининг таълимга бўлган кечиктириб бўлмас талабларини қондиришга қаратилган эди⁵. Бу даврда подшо маъмурияти ўлкада асрлар давомида фаолият юритиб келаётган анъанавий таълим муассасаларига нисбатан ўз муносабатини шакллантирди: подшо маъмурияти таълим-тарбия орқали маданияти ва диний эътиқоди жиҳатидан бир-бирига ёт бўлган рус ва маҳаллий халқларнинг ўзаро яқинлашуви ҳамда келажакда туб ерли халқларнинг рус маданияти таъсирига тушиб қолишига умид боғлаган.

1873 йилда К.П.Кауфман томонидан подшо ҳокимиятига тақдим этилган “Туркистон ўлкасида ўқув бўлимини ва халқ таълимини ташқил этиш” лойиҳаси таълим ислоҳоти йўлида қўйилган жиддий қадамларнинг бошланиши эди. Мазкур лойиҳада ҳам ўлкада жорий этиладиган таълим тизими рус манфаатлари асосида, диний характерга эга бўлмаган ҳолда бўлиши кераклиги таъкидланади. Рус мактаблари тўғрисида ўз мулоҳазаларини баён этар экан К.П.Кауфман: “Туркистон ёшларининг рус болалари билан бирга ўқитилиши, ғайритаъба болалар фикрлашидаги фарқни йўқотган ҳолда, босиб олинган ўлка ассимиляциялашувида ижобий натижаларга олиб келади”⁶, – деган фикрларни ўртага ташлаган эди. Ўлкадаги ўтроқ ва кўчманчиларнинг турмуш – тарзи ва дунёқарашларда мавжуд фарқни

⁴ Граменицкий С.М. Положение инородческого образования в Сырдарьинской области. – Т., 1916. – С. 40. ³ Сумарокова О.Л. История Российского образования в Киргизии и роль в нем русского языка (1860-е – 1917 гг.). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Бишкек, 2009.

⁵ Граменицкий С.М. Положение инородческого образования в Сыр-Дарьинской области. – Ташкент, 1916. – С. 3.

⁶ Ўз МДА, ф. И-1, р. 11, 1 иш, 14-варақ.

англаган Кауфман, ўқитишда кўчманчиларни ўтроқ аҳолидан “ажратиш”ни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаган⁷.

Ҳарбий вазир Д.А.Милютинга лойиҳани тақдим этаркан К.П.Кауфман Туркистон ўлкасини уч миллион аҳолисидан 2/3 қисми кўчманчилар экани ва бу халқлар руслар билан яқинлашиши эҳтимоли юқорилигини таъкидлаб: “Биз, энди, маълум келажакка қолдирмасдан улар орасида рус фуқаролигини тарқатишимиз керак ва бизнинг зиммамизда турган кўчманчиларни маданий халқлар оиласига киритишдек инсоний бурчни бажаришимиз, иккинчидан, кўчманчилар турмушига сингиб бораётган ислом таъсиридан уларни ажратиб, ўзимизга яқинлаштиришимиз мумкин”⁸, – деб ёзган эди.

Лойиҳа бўйича Туркистоннинг даштларида **уезд мактаби**⁹ қуйи босқичи дастури асосида **саводхонлик мактабларини** очиш режалаштирилган. Ушбу мактабларда уезд мактабларининг тўрт йиллик курсларини тугатганлар ўқитувчилик қилиши мумкин эди. Христиан дини ақидаларини ўқитиш фақатгина христиан болалар учун рухсат этилиб, ҳукумат мактабларида ислом ақидаларини ўқитиш тақиқланган эди². Мактабларда асосан рус тили ва арифметика ўқитилган. **Тўрт йиллик мактаблар**да бу фанлардан ташқари география ва ҳунармандчиликда қўлланилувчи чизмачилик ҳам ўқитилиши мумкин эди. Маҳаллий аҳоли вакиллари учун рус алифбосида она тилини ўқитиш мумкин бўлиб, русларга маҳаллий тилларни ўргатиш мажбурий эмасди.

Шу билан бирга, лойиҳада маҳаллий аҳоли болаларини жалб этиш учун **халқ мактаблари**да ҳунарларга ўқитишни йўлга қўйиш режалаштирилган. Умумий гимназия таълимини олиш истагида бўлган мансабдор, савдогар ва бошқа шахсларнинг фарзандлари учун Туркистон ўлкасида гимназияларни ташкил этиш режаси лойиҳада ўз аксини топди. Шунингдек, мазкур лойиҳада қизларни таълим жараёнига жалб этиш ва таълим муассасалари бошқарувини ташкил этиш борасида ҳам тақлифлар киритилган эди¹⁰. Бундан кўриниб турибдики, ўлка маъмурияти Туркистонда ташкил этиладиган мактаблар олдида қуйидаги вазифаларни қўйган эди:

1. Маҳаллий аҳоли диний қадриятларини камситмаган ҳолда Россия империяси ҳукмрон доираси манфаатларига тўла мос равишда таълимни олиб бориш;
2. Таълим соҳасидаги сиёсатни ҳукмрон мафкура талабларига мослаштириш;
3. Анъанавий таълим аҳамиятини пасайтириш орқали маҳаллий аҳоли дунёқарашига рус маданиятини сингдириш.

1873 йилги лойиҳанинг ғоявий асосида империя томонидан маҳаллий

⁷ Граменицкий С.М. Очерк развития народного образования в Туркестанском крае. – Ташкент, 1896. – С. 5.

⁸ Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 57 иш, 37-орқа варак. ² Устройство учебной части в Туркестанском крае // Голос. 1875. № 9.

⁹ Уезд мактаблари – икки йиллик ўқитишга мўлжалланган билим юртлари бўлиб, уезд ва губерния шаҳарларида ташкил этилган ва шаҳарлар аҳолисининг қуйи қатламлари – ҳунарманд, майда савдогарлар болалари учун мўлжалланган. Бу билим юрти ўқувчиларни империяга содиқлик руҳида тарбиялаш ва амалий фаолиятга тайёрлашни мақсад қилган эди.

¹⁰ Устройство учебной части в Туркестанском крае // Голос. 1875. № 9.

аҳолига нисбатан қўлланиладиган маданий сиёсат яширинган эди. Унда келтирилган таклифлар ўлкадаги подшо маъмуриятини туб жой халқларини бошқариш ва итоат эттириш борасида стратегик сиёсий мақсадларини аниқлаб олганлигини кўрсатиб берди. Хусусан, ўлка маъмурияти таълим сиёсати орқали маҳаллий аҳоли орасида анъанавий таълимнинг аҳамиятини пасайтириш, рус тили ва маданиятини сингдириш, кўчманчи халқларни ўтроқ аҳолидан ажратган ҳолда рус халқи билан яқинлашувига эришиш мақсадларини амалга оширишни режалаштирган эди.

1873 йилда тақдим этилган махсус лойиҳа Ҳарбий вазирлик томонидан тасдиқланди, Маориф вазири Д.А.Толстой эса гимназиялар ва ўқитувчилик семинарияси очилишини маъқулласа-да, овулларда саводхонлик мактаблари очилишига қарши чиқди. Молия вазири М.Х.Рейтерн ўқитувчилар семинариясининг очилиши вақтли деб, уни давлат хазинасидан молиялаштиришга қарши чиқди ва умуман Туркистон ўлкасидаги халқ таълимини вақфлар ҳисобидан молиялаштиришни таклиф этди. Бунда М.Х.Рейтерн “халқ таълими халқнинг иши”¹¹ деган фикрни илгари сурди. Бу ҳолат юзасидан К.П.Кауфман Ҳарбий вазир Д.А.Милютинга юборилган баёнотида мазкур таклифга қарши чиқиб: “Биринчидан, бу тадбир халқ норозилигига сабаб бўлади, иккинчидан, мусулмон мактабларининг барчаси хусусий мулк ҳисобидан молиялаштирилади ва молиялаштириш манбаларини ҳар қандай шаклда бўйсундириш маҳаллий аҳоли томонидан бировнинг дахлсиз мулкига тажовуздек қабул қилинади”,¹² – деб таъкидлаган эди. Бу эса, албатта, маҳаллий аҳолини империя ҳукуматига қарши қилиб қўяр эди. Зеро, мусулмон таълим муассасаларига нисбатан генералгубернатор К.П.Кауфман уларнинг ишига “аралашмаслик” тамойилини қўллаган эди. Ушбу масалада Туркистон аҳолиси ҳар жиҳатдан Россиянинг марказий ҳудудлари аҳолисидан фарқ қилишини асос қилиб олган ҳолда генерал-губернатор Маориф вазирлиги кўрсатмаларига амал қилмади. Маълум маънода К.П.Кауфман ҳақ эди. Маҳаллий зиёлилар томонидан бу масалада мустаҳкам нуқтаи назар мавжуд эди. Хусусан, 1906 йили М.Абдурашидхонов матбуотда миллий бирлик ва миллий уюшқоқликни тарғиб қилиб, маҳаллий аҳолидан йиғилган солиқ ҳисобига руслар учун замонавий мактаблар ташкил этилса-да, солиқ тўлаган мусулмон аҳоли учун рус маъмурияти томонидан махсус билим юртлари ташкил этилмаганлигига эътибор қаратади². Бу тўғри эътироф эди.

Россия ҳукумати қонунига кўра 1875 йилда рус таълим муассасалари билан бирга маҳаллий аҳоли таълим муассасалари ҳам Туркистон генералгубернаторлиги Ўқув ишлари бош бошқармасига бўйсундирилди³. Мазкур қонунга қушимча тарзда 1879 йилда Туркистон ўлкаси халқ билим юртлари инспекторлари учун алоҳида кўрсатма қабул қилинди⁴. Мазкур кўрсатмага биноан маҳаллий аҳоли мактабларини бошқаришда инспекторлар

¹¹ История России XIX – начала XX века. Учебник. – Москва: «Проспект», 2006. – С. 480.

¹² Ўз МДА, ф. И - 47, р. 1, 57 иш, 39-варақ. ² Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи (1-қисм. 1870-1917 йил ноябрь). Дарслик. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2009. – Б. 122-123. ³ Т. XI Свода законов. Отделение второе. Об управлении учебными заведениями в Туркестанском крае. – С. 89. ⁴ Толстой Д. Инструкция инспекторам народных училищ Туркестанского края. // Туркестанский сборник. Т. 341. – С. 59-66.

билим юртлари бош инспектори ва генерал-губернатор кўрсатмаларига амал қилиши керак эди. Бироқ К.П.Кауфман бошқаруви даврида мусулмон мактаблари устидан амалда назорат олиб борилмади. Унинг фикрича, маҳаллий мактаблар нафақат эътиборсиз қолдирилади, балки ҳукумат молиявий мададсиз улар умуман барбод бўлиши керак эди. Бу “менсимаслик” сиёсатининг бош ғояси эди.

Кейинчалик мактаб ва мадраслар фаолиятини назорат қилиш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилса-да, уларни таълим дастурларига ўзгартириш киритилмади ва фаолиятини тўхтатишга қаратилган чоралар кўрилмади.

Туркистонда Ўқув ишлари бўйича бош бошқарма ташкил этилгандан сўнг рус ва маҳаллий аҳоли таълими учун мўлжалланган турли хил таълим муассасалари ташкил этила бошланди. Аввало, ўлкадаги рус аҳолиси манфаатларига хизмат қилувчи муассасалар жорий этилди. Тошкентда ўғил

болалар ва қизлар гимназиялари, кейинчалик реал¹³ ва Мариин билим юртлари ўз. фаолиятини бошлади. Барча шаҳарларда маҳаллий ўқувчиларга мўлжалланган интернатлари бўлган шаҳар билим юртлари, шаҳарлар ва рус манзилгоҳлари ривожланиши билан диний бошланғич мактаблар очилган. Туркистон ўлкаси бошқарувининг 1867 йил 7 ноябрдан 1881 йил 25 мартгача бўлган даври хусусида К.П.Кауфман императорга тақдим этган ҳисоботида: “... мадрасалар ҳали ҳам мусулмон ташвиқот марказлари сифатида аҳамиятга эга”¹⁴, - деб маълумот беради. Мадрасалар тайёрлаётган мутахассисларни таърифлаш билан бирга, уларнинг Ўрта Осиё халқлари ҳаётидаги ўрни муҳимлигини таъкидлайди. Мазкур ҳисоботда К.П.Кауфман мусулмон таълим муассасалари ҳам диний, ҳам сиёсий руҳга эга бўлганлиги туфайли уларнинг фаолиятини тўхтатиш империя ҳукуматига нисбатан маҳаллий аҳоли ғазабини уйғотиши, шу туфайли уларга нисбатан биргина тўғри муносабат – бу “менсимаслик”¹⁵ сиёсати эканини яна бир бор таъкидлаб ўтади. Ўлкани биринчи раҳбарининг анъанавий таълимни тугатмаслик ва маҳаллий аҳоли диний ҳаётига аралашмаслик ҳақидаги қарашлари моҳиятан 1917 йилгача ўзгармай келди. Бу омил, ўз навбатида империя маъмурияти томонидан Ўрта Осиё халқларининг, ўзига хос турмуш – тарз, юксак маданиятга ва унинг мустақкам ғоявий негизлари кучлилиги тан олинганлигини билдиради. Ундан ташқари, бу стратегия империя томонидан Туркистон аҳолисига нисбатан ёппасига руслаштириш сиёсатини қўлланилмаслигини ва руслаштириш сиёсати империя маъмуриятининг ўлкадаги ҳокимиятини мустақкамлаш учун восита бўлиб, бу сиёсат аҳолининг муайян қисмига мўлжалланганлигини ҳам намоён этган.

¹³ 1917 йилга қадар Россия империясида асосан математика ва табиий фанлар ўқитиладиган ўрта ўқув юрти. Уларда таълим моддий асоси яхши таъминланган ва К.Пален текшируви давомида ўқув ишлари юқори баҳоланган..

¹⁴ Кауфман К.П. Проект всеподданнейшего отчета генерал-адъютанта К.П. фон Кауфмана по гражданскому управлению и устройству в областях туркестанского генерал-губернаторства 7. XI 1867 – 25. III 1881. (сост. П.И.Хомутов). – СПб., 1885, (VIII гл. отчета перепечатана в кн.: Кауфман К.П. Начальное народное образование в Туркестанском крае, 1881. – СПб., 1910. – С. 432.

¹⁵ Уша асар. – С. 437-438.

Туркистон рус қўшинлари томонидан босиб олинishi билан мактабдаги ўқитиш, мадрасалардаги таълим ва вақф мулкларини тасарруф этувчи раис, аълам ва мутаваллий лавозимлари тугатилди¹⁶. Бу эса мактаб ва мадрасалар фаолиятининг муайян даражада издан чиқишига сабаб бўлган.

Ўлкадаги рус маъмурияти тадбирлари натижасида Туркистондаги маҳаллий таълим тизимида сустрлашув ҳолатлари содир бўлди. Яъни империя маъмуриятининг ҳаракатлари ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Ўша давр расмий маълумотларига қараганда, мударрисларнинг ўзбошимчалиги, раислар назоратининг сусайиши туфайли ота-оналар болаларини мактабларга жўнатмай қўйдилар. В.П.Наливкин томонидан мутаваллийлар вақф даромадларини ўзлаштириши каби ҳолатлар бўлганлигига оид маълумотлар келтирилади¹⁷.

Лекин, мусулмон мактабларини “менсимаслик” сиёсатидан кўтилган натижаларга эришилмади¹⁸. Генерал-губернатор Н.О.Розенбах ва В.П.Наливкинларнинг таъкидлашларича, ўлкадаги империя маъмурияти зўр беришига қарамай анъанавий мактаб ва мадрасалар сони ошиб борган.

Маҳаллий болаларга барча рус таълим муассасаларида таълим олиш ҳуқуқи берилса-да, ҳеч бирида маҳаллий тил ёки исломий ақидалар ўқитилмаган. Шунинг учун ҳам, маҳаллий аҳоли рус таълим муассасаларига нисбатан ишончсизлик билдирган.

1884 йилгача туб ерли халқлар болалари учун ўлка ўқув ишлари бош бошқармасининг шаҳар билим юртларида хунармандчилик синфлари ва гимназиялар ҳузурида интернатлар ташкил этиш тадбирлари маҳаллий аҳоли болаларини рус таълим муассасаларига кенг миқёсда жалб эта олмади. Шу сабабли XIX асрнинг 80-йиллари бошида рус мактабларида ўқиётган маҳаллий аҳоли болалари сони жуда ҳам кам эди. 1885 йил 1 январда уларнинг сони 176 та бўлиб, 14 таси ўғил болалар гимназиясининг интернатида, 10 таси ўқитувчилик семинария интернатида, 145 таси шаҳар билим юртлари интернатларида таҳсил олган ва қолган 7 таси қатнаб ўқиган².

Мазкур ҳолат XX аср бошларига қадар жиддий ўзгаришларсиз қолди.

Рус мактабларида маҳаллий аҳоли болаларини иштирокига тўсқинлик қилувчи яна бир жиҳат 1879 йил 13 январдаги ўлка халқ билим юртлари инспекторларига берилган кўрсатмага биноан мазкур мактабларда ислом дини ва араб алифбоси ўқитилиши тақиқланиши эди. Бу шароитда мусулмон болаларни рус ҳукумати мактабларига жалб этиш қийин эди. Ўқув масалалари бўйича бу каби қонун ва кўрсатмалар қабул қилиниши ўлкада рус таълимини оммалашувига тўсқинлик қилган.

С.М.Граменицкий таъкидлашича, ҳукумат мактабларига маҳаллий аҳоли болаларини оммавий равишда жалб этиш учун “ғайритаъба болалар давлат

¹⁶ Исмаилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг “Янги шаҳар” қисми тарихи. – Тошкент: “Фан ва технология”, 2004. – Б. 85.

¹⁷ Қаранг: Наливкин В.П. Сведения о состоянии туземных мадраса Сыр-Дарьинской области в 1890/91 учебном году. – Ташкент, 1916.

¹⁸ Остроумов Н.П. Что делать с новометодными мактабами? //Туркестанские ведомости, 1909. - №1. ² Граменицкий С.М. Положение инородческого образования в Сыр-Дарьинской области. – Ташкент, 1916. – С. 11.

тилини ўрганиш орқали умуммаданий билимларни ўрганиши ва шу билан бирга она тили, ислом дини асосларини мусулмон мактабларида ўқитилганидек ўрганиши мумкин бўлган янги типдаги мактаблар ташкил этилиши зарур” эди¹⁹. XIX асрнинг 80-йилларида империя маъмурияти ва Ўқув ишлари бош бошқарма вакиллари орасида маҳаллий болалар учун “рус бошланғич мактаби ва маҳаллий мактаб симбиози”²⁰ни ташкил этувчи янги универсал мактаб ташкил этиш ғоялари илгари сурилади. Моҳиятан янги турдаги ушбу мактаблар “маҳаллий аҳолининг бир қисмини рус аҳолиси билан яқинлаштиришга хизмат қилиши керак”²¹ эди.

Рус-тузем мактаблари – Туркистонда янги турдаги мактаб бўлди. Мазкур мактабларда ўқитиш И.И.Ильминский услуги²² бўйича ташкил этилиб, унга кўра рус тили маҳаллий тил воситачилигида, таржима орқали ўрганилар эди. Фақатгина, Туркистонда ташкил этилган маҳаллий аҳоли учун мактабларда ўқитиш тизимида бошидан рус тили етакчи ўринга қўйилди.

Янги, аралаш турдаги мактабларнинг ташкил этилиши Александр III ҳукумати ҳамда ўлкадаги рус ва маҳаллий мактаблар ҳолатини ўрганиб чиқиб, таълим тизими ислоҳоти орқали ўлкада рус тили ва маданиятини сингдирилишига мусулмон таълим масканлари жиддий тўсқинлик қилаётганлиги ҳақида хулосага келган Н.О.Розенбах бошчилигидаги ўлка маъмурияти интилишларини қониқтирди.²³ Мазкур тенденция ўлкадаги Ўқув бошқарма раҳбарлари Ф.М.Керенский ва С.М.Граменицкийлар ҳамда маҳаллий аҳоли орасида рус тили тарқалишининг тарафдорлари бўлган бир гуруҳ аҳоли томонидан ҳам қўллаб-қувватланган²⁴.

1884 йилда генерал-губернатор Н.О.Розенбах ўлкада мустамлака ҳукумат мавқеини мустақамлашда муҳим аҳамият касб этувчи рус таълим муассасаларига маҳаллий болаларни жалб этиш ва рус мактаблари тармоғини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш мақсадида Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори Гродеков бошчилигида “мусулмон ташвиқоти ва унинг, айниқса, кўчманчилар орасидаги ҳолати” масаласини ўрганиш учун махсус комиссия тузди. Ушбу комиссия: “Кўчманчи халқларга нисбатан бирон чора қўллашдан аввал ўтроқ аҳолига ва “қадимий мусулмончилик анъаналарининг жонбоз ҳимоячиларини тайёрловчи” мадрасаларга эътибор қаратиш керак”²⁵, – деган хулосани берди. Бундан ташқари, комиссия мусулмон мактаблари аҳолини аниқ белгилаш ва уларни

¹⁹ Воспоминания С.Абдулгаффарова в кн.: Н.П.Остроумова, Сарты. Этнографические материалы. – Ташкент, 1890. – С. 107.

²⁰ Граменицкий С.М. Положение инородческого образования в Сыр-Дарьинской области. ... – С. 12.

²¹ Қаранг: Савицкий А.П. Саттархан Абдулгаффаров – просветитель и демократ. – Ташкент, 1965.

²² И.И.Ильминский услуги лойиҳаси бўйича халқ мактабларида ўқувчилар миллатига тегишли бўлган ўқитувчилар биринчи бўлимда 2 йил давомида фақат ўқувчиларнинг она тилида ўқитишиб рус тили дарс сифатида ўтилган. Рус тилига ўргатиш дастлаб сўзлашувни ўргатишдан бошланган. Иккинчи бўлимда рус тили асосий машғулотларни олиб бориш тилига айланган. Шу тариқа ўқишни тамомлаган ўқувчилар рус тили билан биргаликда кўпгина фанлар бўйича икки: она тили ва рус тилида билимларга эга бўлганлар.

²³ Очерки истории школы и педагогической мысли народов СССР. – Москва; Педагогика, 1991. – С. 14, 406.

²⁴ Исмаилов Ш. Народное образование в Узбекистане в конце XIX – начале XX в. Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1981. – С. 57.

²⁵ Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 4989 иш, 72-варақ.

“рус давлати назоратига” бўйсундириш муҳимлиги ҳам таъкидлади. Бу борада Н.О.Розенбах маҳаллий мактабларга қарши “имкон борича эҳтиёткорлик билан” ҳаракат қилишни маъқул кўрди.

Шундай қилиб, анъанавий таълим муассасалари ва бошқа мусулмон диний маҳкамаларини “менсимаслик” сиёсатидан расман воз кечилган бўлсада, амалда вақф мулклари назорат остига олинишидан ташқари уларнинг устидан деярли ҳеч қандай назорат ўрнатилмади. Яъни, К.П.Кауфман илгари сўрган маҳаллий аҳолининг диний ишларига аралашмаслик, анъанавий таълим тизимини йўқ қилишга қаратилган кескин чораларни қўлламамаслик ва улар тизимини молиявий манбасиз ва ҳукумат кўмагисиз ўз-ўзидан барбод бўлишига эришиш империянинг ўлкадаги анъанавий таълим тизимига нисбатан муносабатиде асосий мазмунни ташкил этиб қолаверди.

Туркистон аҳолиси орасида рус таълимини кенг тарқатиш мақсадида амалга оширилган, аввало, рус, кейин маҳаллий таълим анъаналарига яқинлаштирилган рус-тузем мактабларини ташкил этилиши, маҳаллий мактаб ва мадрасларни ўлкадаги ўқув инспекцияларига бўйсундирилиши, вақфларни назоратга олиниши империянинг ўлкада юритган таълим сиёсатидан кўзлаган мақсадларига эриштира олмади. Бу борада камчиликларни бартараф этиш мақсадида 1887 йили Н.О.Розенбах Маориф вазирлигига мурожаат қилиб мусулмон таълим масканларига муносабатни такомиллаштириш борасида куйидагиларни таъкидлайди:

1. Охирги пайтларда Туркистон Ҳиндистон томонидан қўллабқувватланмоқда. Инглиз Ҳиндистонининг Дехли, Бомбей ва бошқа йирик шаҳарларидан литографияларда араб ва форс тилларида чоп этилган адабиётлар юборилмоқда.

2. Маҳаллий аҳоли таълими борасидаги тадбирларимиз фақатгина русузем мактабларини ташкил этиш билан чекланиб қолмоқда. Рус ҳукумати кўйган мақсадларга эришиш учун бунинг ўзи етарли эмас. Мадрасалар ҳаёти билан яқиндан танишиш, ёшларни мусулмон адабиёти ва шариатдан чалғитиш учун ўқув дастурларни Европа даражасида қайта ташкил этиш зарур.

3. Туркистонда мусулмон мактабларининг сони 4000 дан кам бўлмаган ҳолда уларда ўн минглаб ёшлар таълим олишмоқда. Қонун асосида биз уларнинг бошқарувини тўла қўлга олишимиз мумкин. Уларни эндиликда “менсимаслик” хатолик бўлади. Қозон ва Оренбург округларида бўлганидек мусулмон мактаблари инспектори лавозимини жорий этиш зарур. Унинг зиммасига ўлкадаги мусулмон таълим муассасалари аҳволи, сони ҳақида аниқ маълумотлар тўплаш, уларнинг фаолиятига фойдали ва керакли бўлган ўзгаришларни киритиш вазифасини юклаш лозим²⁶.

Бу таклифлар ўлка мустамлака маъмуриятининг миллий таълим масалаларига нисбатан қўллаб келаётган таълим сиёсатидан кўзланган стратегик мақсадлар рўёбга чиқмаётганлиги натижасида Туркистонда Россия империяси таълим сиёсатининг янги йўналиш олишини англатар эди.

1890 йили халқ билим юртлари бўйича 3-инспектор лавозими жорий

²⁶ Ўз МДА, ф. И– 47, р. 1, 4989 иш, 68-68-орқа варақлар.

килиниб, унга В.П.Наливкин тайинланган. Бу вақтга келиб Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари бўлиб, улар худудидаги ҳам рус, ҳам мусулмон таълим муассасаларини назорат қилувчи 3 та инспектор фаолият юритарди. Улар ўз фаолиятида мусулмон мактаб ва мадрасаларини умуман назорат қилмас ва қила олмас эдилар²⁷. Ушбу лавозим жорий этилиши ўлка маъмуриятига маҳаллий мактабларни яқиндан назорат қилиш имкониятини яратди.

1890-1893 ўқув йиллари давомида В.П.Наливкин шахсан Фарғона, Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари мадраса ва мактабларини ўрганиб, улар фаолиятида амалий иштирок этди. Ўз кузатишлари асосида Ўрта Осиёда мадрасалар аҳволи, мактаблар ва қорихоналар ҳақида батафсил ҳисобот тайёрлади. Мазкур ҳисоботда анъанавий мусулмон таълим масканларини ислоҳ қилиш орқали уларнинг ўқитиш усул ва дастурларига рус тили ва маданиятини киритиш ҳамда шу орқали таълимдан кўзланган мақсадларга эришиш таклифлари киритилган эди.

В.П.Наливкин²⁸ ўзбек тилида араб грамматикаси китобини тузиш, ислом диншунослиги ва ҳуқуқшунослиги бўйича барча қўлланмаларни ўзбек тилига ўгириб, мадрасалар ўқув ҳаётини ислоҳ этиш, ислоҳ этилган мадрасаларда рус тилида арифметика ва бошқа замонавий умумтаълим фанларини ўқитиш, ўқувчилар ва мударрислар таркибини яхшилаш, кўп асрлар олдин араб ва форс тилларида тузилган адабиётларни ўрнига ўзбек тилида дареликлар яратган ҳолда ўқитишни ташкил этиш каби қатор таклифларни киритган.

В.П.Наливкин мадрасалар фаолиятини ислоҳ этиш учун босқичма-босқич ўқув режасини ўзгартириш ва уни ҳукумат манфаатларига мослаштиришни таклиф этиб, рус тили ўқитувчилари меҳнатини молиялаштиришда вақфлар даромадидан фойдаланишни таклиф этган²⁹. Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари ҳарбий губернаторлари ўз тажрибаларидаги кузатишлардан хулоса қилиб, рус тили курсларига қайғули келажакни башорат қилишди. Улар: малакали ўқитувчилар ва дарс бериш учун керакли адабиётлар йўқлиги ҳамда маҳаллий аҳолининг рус тилидан манфаат изламаслигини таъкидлашиб, туб аҳоли ушбу курсларда иштирок этмаслигини айтишган³⁰. Рус тили ўқитувчисига вақф мулклари даромадидан иш ҳақи тўлаш масаласида ҳар иккала ҳарбий губернатор бу тадбирни, мусулмонлар нуқтаи назаридан “одобдан ташқари, қалтис ва ҳатто ноқонуний”³¹ деб баҳолашиб, бунга қарши чиқдилар.

Шундай қилиб, В.П.Наливкиннинг 6 йиллик фаолиятида мадрасаларда рус тили ўқитилмади, мактаблар ҳам ислоҳ этилмади. В.П.Наливкиннинг

²⁷ Граменицкий С.М. Положение инородческого образования в Сыр-Дарьинской области. – Ташкент, 1916. – С. 46-47.

²⁸ В.П.Наливкиннинг мактаб ва мадрасалар фаолияти бўйича таклифлари унинг ҳисоботларида ўз аксини топган. Унинг биринчи ҳисоботи 1916 йил Туркистон генерал-губернатори А.Н.Куропаткин буйруғи билан нашр этилган. Наливкин В.П. Сведения о состоянии туземных мадраса Сыр-Дарьинской области в 1890/91 учебный год. – Ташкент, 1916. – С. 87.

²⁹ Наливкин В.П. Сведения о состоянии туземных мадраса Сыр-Дарьинской области в 1890/91 учебном году. – Ташкент, 1916. – С. 88.

³⁰ Думенко М.Ф. Русско-туземные школы Туркестана. – Ташкент, 1957. – С. 5.

³¹ Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестана (1867-1917). – Ташкент, 1997. – С. 167.

лойиҳаларини амалга ошириш билим юртлари бош инспектори Ф.М.Керенский, ислом пешволаридан ҳайиққан ҳарбий губернаторлар томонидан қўллаб-қувватланмади. Мадрасалар кутилмаганда Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори Н.А.Ростовцев ва Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори Н.И.Корольковлар тимсолида ўз ҳимоячиларига эга бўлдилар.

В.П.Наливкин ўз кузатишлари натижасида “менсимаслик” сиёсатининг дастлабки йилларида кўзга ташланган мусулмон мактабларининг заифлашуvidан сўнг янги мактаблар очила бошлангани, улардаги ўқувчилар сони ўса бошлаганини аниқлаган.

Подшо мансабдорлари орасида тортишувлар натижасида 1895 йилда мусулмон мактаблари бўйича махсус инспектор лавозими бекор қилинди. Бу эса мактаб ва мадрасалар ислохотининг орқага сурилишига олиб келди. Бирок В.П.Наливкин қисқа фаолияти давомида баъзи мадраслар фаолиятига оид баъзи ўзгартиришлар киритилди: 1891 йилдан бошлаб империя маъмурияти мадраса мударрисларини тайинлай бошладилар. Тартибга кўра мударрис танлови ҳақидаги ҳужжат район инспекторига юборилган, у эса ўз муносабати бириктирилган маълумотнома билан ўлка бош инспекторига тақдим этган ва бош инспектор хулосаси билан мударрис тайинланган³²; 1894 йили “Туркистон ўлкаси мадраслари катта мударрисларига кўлланма” қабул қилинди². У 25-моддадан иборат ҳўжжат бўлиб, унда мадрасада мударрис, муқаррир, мутаваллий ва бошқа ходимлар, талабалар ўртасидаги муносабатлар, мадраса ўқув ва ҳўжалик ишлари назорати бўйича ходимларнинг вазифалари, бош мударриснинг район ўқув ишлари бўйича инспектори олдидаги вазифалари, ҳисобот бериш тартиблари, мавжуд ёки вужудга келган муаммолар юзасидан инспекторга мурожаат қилиш тартиби белгиланган. Ундан ташқари, мадраса талабаларининг ҳар бир босқичда 7 йилдан кўп ўқимасликлари, ҳар ўқув йили охирида бош ва бошқа мударрисларнинг талабаларни имтиҳон қилиш тартиблари белгиланган эди.

Ўлка халқлари ижтимоий ва маънавий ҳаётида диннинг катта аҳамиятга эгаллиги масаласи доимо империя маъмурияти диққат марказида бўлиб, ана шундай вазиятда ҳукумат минтақада ўзининг ҳукмронлик мавқеини мустаҳкамлаш йўлларини қидирар эди. Бирок мустамлака ҳукуматнинг ўлкадаги маданий ва диний сиёсати тадрижий ва тизимли хусусиятга эга эмас эди. Масалан, ҳукмронликнинг биринчи йилларида подшо маъмурияти ўлкадаги мусулмон руҳонийлари, Россия империяси сиёсий манфаатларига зид кучни яратувчи ўқув ва тарбия муассасаларига нисбатан уларнинг ишларига аралашмаслик ва намойишкорона “менсимаслик” сиёсатини қўллаган бўлса, XIX аср 80-йиллар ўрталаридан Н.О.Розенбах томонидан маҳаллий таълим муассасаларга нисбатан кескин назорат механизмини ишга тушириш ҳақида фикр илгари сўрила бошланган. 1898 йилги Андижон кўзғолонидан кейин эса мазкур йўналишдаги сиёсатда кескин ўзгаришлар рўй берди. Айнан ўша вақтда мусулмонларни маънавий уюштириш масаласи

³² Керенский Ф.М. Медресе Туркестанского края // Туркестанский сборник. Том 418. – Ташкент, 1907. – С. 25

² Туркистон ўлкаси мадраслари катта мударрисларига кўлланма // Туркестанская туземная газета. 1894 йил 15-сон; Туркестанский сборник. Т. 418., – С. 194-203.

долзарб аҳамият касб этди ва минтақада ислом институтлари фаолияти ҳамда моҳияти ҳақидаги мавжуд тасаввурларга радикал тузатишлар киритиш талаб этилди. Мазкур масалада амалга оширилган тадбирлардан бири Ўрта Осиёда мусулмон руҳонийлари ва умуман ислом таъсирини камайтиришга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш учун генерал-губернатор С.М.Духовской ташаббуси билан генерал Н.А.Иванов³³ бошчилигида махсус комиссия тузилиши эди. Комиссия аъзолари томонидан мусулмонлар диний ишларининг бошқаруви ҳақида, мусулмон ўқув муассасаларини ва вақфларни бошқариш ҳақида ҳамда уларга кўрсатмалар каби таклифлар режалари ишлаб чиқилди³⁴. Бунга қушимча комиссия рус мансабдорлари назорати остида бўлувчи мусулмонлар диний бошқармасини ташкил этишни таклиф этган. Н.П.Остроумов ҳам бу таклифни ёқлади. Бу фикрларга Сирдарё вилояти ўқув маҳкамаси раҳбари С.М.Граменицкий ва ўлка билим юртлари бош инспектори Ф.М.Керенскийлар қарши чиқди. Улар ҳали ҳам “менсимаслик” сиёсатини маъқуллар эдилар. С.М.Духовской эса ягона мусулмонлар диний бошқармаси тарқоқ мусулмон руҳонийларини бирлаштиради ва уларни чет эл панисломистик ташкилотлари билан алоқа қилишларига шароит яратади, деган хулоса³⁵ асосида ўлкада мусулмон диний бошқармасини ташкил этишга рухсат бермади.

С.М.Духовскойнинг “Туркистонда ислом” номли императорга йўлланган ёзма маълумотида ўлкадаги барча диний бошқармаларни тугатиб, уларнинг ишларини маҳаллий маъмуриятга топшириш таклиф этилади³⁶. Туркистон генерал-губернаторининг фикрича, диний бошқармалар “русларга ва христианларга қарши ташвиқот”² ишида мусулмонларни уюштирувчи орган бўлиши мумкин эди. Империя бир қатор юқори маҳкамаларига тақдим этилган маълумотлар муҳокама этилгандан сўнг, исломни тартибга солиш бўйича амалиётда шаклланган услубни ўзгаришсиз қолдириш ҳақида тўхтамга келинди³⁷. Чунки С.Ю.Витте таъкидлаганидек: “Россия империясининг таълим сиёсати моҳиятан ҳукмрон зиёлилар позициясининг мусулмон Шарқда исломга тоқатсиз ва душманлик руҳида гавдаланиши Россия учун фоят фойдасиз ҳолат”,³⁸ – эди.

Россия империяси маъмурияти томонидан маҳаллий халқ маданияти, ислом дини таянчи деб баҳоланган анъанавий таълим тизими юқори эътибор объектига айланди. Маҳаллий ўқув муассасалари фаолиятини тартибга солувчи қатор қонуний ҳужжатлар мавжудлигига қарамай, ўлка мустамлака маъмурияти мусулмон ташкилотлари устидан назорат қилишнинг режалаштирилган ва тадрижий тизимига эга бўлмаган ҳолда, уларнинг ишига

³³ Ўз МДА, ф. И-1 р. 11, 1724 иш, 16-16-орқа варақлар.

³⁴ Қаранг: Проект устройства управления духовными делами мусульман Русского Туркестана. 1900 г. // Императорская Россия и мусульманский мир (конец XIX – начало XX в.): Сборник материалов. – Москва: Ноталис, 2006. – С. 194-221.

³⁵ Ўз МДА, ф. И-1, р. 11, 1725 ва 1726 иш; ф. И-47, 2191 иш. Доклад Духовского царю и предварительные доклады Духовскому.

³⁶ Ўз МДА, ф. И-1 р. 11, 1832 иш, 18-варақ. ² Ўз МДА, ф. И-1, р. 11, 1832 иш, 7-варақ.

³⁷ Арапов Д.Ю. Система государственного регулирования ислама в Российской империи (последняя треть XVIII – начало XX в.). – Москва, 2004. – С. 173.

³⁸ Витте С.Ю. Воспоминания. Царствование Николая II. Т. 1-2. – М.-Л., 1923-1924. – С. 254.

фақатгина вақф ва уларнинг бошқаруви масалаларидагина аралашар эди³⁹. Мустамлака маъмурияти 1886, 1891, 1902 ва 1906⁴⁰ йилларда қатор қонун ва фармойишлар ишлаб чиқиб, уларга кўра вақф масалалари тўлалигича Россия империяси бошқарувида бўйсундирилди⁴¹. Ҳатто уларнинг баъзиларига асос бўлган ҳужжатлар ҳақиқий эмаслиги туфайли бекор қилинган⁴². Лекин бу тадбирларнинг ғоявий негизи кўчсиз эди. Юқорида қайд этилган маълумотномада С.М.Духовской ҳукумат тасарруфида “мусулмончилик билан курашиш учун маданий воситалар”⁴³ йўқлигини таъкидлаши бу борада империя маъмуриятининг жиддий муаммолари мавжудлигини кўрсатади.

XX аср бошларидан подшо ҳукумати мадрасаларни ҳам назорат остига ола бошлади. Бироқ бу назорат мударрисларни тайинлаш, ишдан бўшатиш ва вақф даромадларини тасарруф этиш билан чекланди. Масалан, Туркистон ўлкаси билим юртлари бош инспекторининг 1913 йил 3 декабрдаги фармойишига биноан ўқув бошқармасининг тегишли рухсатномасига эга бўлган мударрисларгина мадрасаларда дарс бериш ҳуқуқига эгаллиги⁴⁴, мутаваллийлар фаолияти назорати, уларни тайинлаш ва бўшатиш ишлари ҳам инспекциялар ҳамда вилоят бошқармалари ваколатига киритилиши⁴⁵ фикримиз исботи бўла олади. Лекин таълим дастурлари, уларни такомиллаштириш масалалари ҳукумат назоратидан четда қолди.

“Менсимаслик” сиёсатига подшо ҳукуматининг мусулмончиликка нисбатан хайрихоҳлигини намоиш этиш учунгина амал қилинган. Масалан, 90-йилларда бошланиб, кўплаб вақф мулкларини расмий сабабларга кўра бекор қилиниши натижасида тортишувларни келтириб чиқарган вақф текширувлари тўхтатилди.

1899 йил 1 июлдан Еттисув Туркистон генерал-губернатори бошқарувида қайтарилгандан сўнг, Еттисув губернатори томонидан жорий этилган мадрасаларда рус тили ўқитишни талаб этиш тақиқланди⁴⁶. Исломга нисбатан бундай ёндашув фақатгина Андижон қўзғолонидан кейинги “тинчлантириш” эмас, балки халқаро вазиятнинг кескинлашуви ҳам сабаб бўлган⁴⁷.

³⁹ Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. – Ленинград: АН СССР, 1927. – С. 103.

⁴⁰ (Совещание об инородческих школах // Туркестанский сборник. Т. 448. – Тошкент, 1907. – С. 117.).

⁴¹ 1906 йил 31 мартда империя ХМВ «Ғайритаъбалар билим юртлари ҳақида»ги қоидаларни қабул қилди. Унда, ғайритаъбалар ўқув китобларига рус транскрипциясини киритилиши (13-модда), барча ғайритаъбалар билим юртларини очиш ва ёпиш, таълим дастурларини танлашни ва умуман уларни ХМВ га бўйсундириш (32-36-моддалар) кўзда тутилган эди. Бироқ, аксарият мусулмон жамоачилиги бу қоидаларга норозилик билдиришиб, 1907 йил сентябр-октябр ойларида С.М.Граменицкий, Тошкент шаҳар қозиси Иброҳимбек Юсупбеков, Н.П.Остроумов ва бошқа бир қатор шахслар иштирокида комиссия тузилди. Мазкур комиссия фаолияти ҳулосасида маҳаллий болаларни аввал мактабларда уч йил таълим олгандан сўнг уч йил рус-тузем мактабларида ўқишлари, маҳаллий жамоаларга рус-тузем мактабларини очиш ҳуқуқини берилиши ҳақида таклифлар киритилди. Бироқ, бу таклифлар амалиётга тадбиқ этилмаган.

⁴² Эргашев Ф. Туркистон мактаблари // Жамият ва бошқарув, 2007. – 2 сон. – Б. 15-17.

⁴³ Ўз МДА, ф. И-1, р. 11, 1832а иш, 6-варақ.

⁴⁴ Ўз МДА, ф. И-640, р. 1, 7 иш, 13-13-орқа варақлар.

⁴⁵ Ўз МДА, ф. И-640, р. 1, 7 иш, 45-варақлар.

⁴⁶ Ўз МДА, ф. И-1, р. 18 иш, 24 ва 47-варақлар.

⁴⁷ 1899 йилда Хитой марказий ҳудудларини “ихэтуанлар” – “Адолат учун мушт” халқ қўзғолони чўлғаб олди. “Катта мушт” номли бир гуруҳ қушин қисқа муддатда ўз олдига Хитойдаги барча чет элликларни йўқ қилиш ҳамда хитойлик бой ва мансабдорлар билан ҳисоблашишни вазифа қилиб олган катта армияга айланди. Германия, Англия, Франция, Япониянинг Хитойдаги талончи мустамлакачилик сиёсати ва католик рухонийлари орқали Хитой ерларини чет элликлар томонидан босиб олиниши, хитойликларни христианликка

XX аср бошларидан империя ҳукумати Туркистондаги маҳаллий аҳоли таълим муассасаларининг “менсимаслик” тадбирлари муваффақиятсизликка учраганини кўриб, бир томондан анъанавий мактабларнинг кўп сонли тармоғи ҳамда шаклланётган ва маҳаллий аҳоли томонидан қўллабқувватланаётган “янги усул” мактаблари, иккинчи томондан, мазкур ҳам анъанавий, ҳам “янги усул” мактаблари рус ҳамда рус-тузем мактабларининг маҳаллий халқ орасида оммалашшига тўсқинлик қилмоқда, деган сабаб билан сиёсий номувофиқ деб баҳолади. Бу ҳолат мазкур вазият юзасидан чоралар ишлаб чиқилишини тақозо этган.

XX аср кириб келиши билан Туркистон халқлари орасида Россия империясининг мустамлакачилик зулмига қарши норозилик кайфияти кучайиб борди. Шу билан бирга, миллий зиёлилар етакчилигида ўзликни англаш, халқни истибдод зулмидан озод этишни мақсад қилиб олган жадиदчилик ҳаракатининг кенг тарқалиши натижасида ўлкада мураккаб ижтимоий-сиёсий вазият ҳукм сура бошлади. Бу империя ҳукумати томонидан ҳудудда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун ҳаётнинг барча соҳалари қаторида таълим сиёсатида ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этарди. Ўлкада нафақат жадидлар, балки бу ерда истиқомат қилувчи кўпгина рус аҳолиси жамоалари томонидан таълим тизимини такомиллаштириш ғоялари илгари сурилиши ҳам мазкур соҳани доимо империя маъмуриятини диққат марказида бўлишини талаб этди. Айниқса, қарийиб 30 йиллик амалиёт давомида империя Халқ маорифи вазирлигини анъанавий таълим тизимини обрўсизлантириш, маҳаллий халқларга рус таълим тизими ва маданиятини сингдиришда айтарли натижаларга эриша олмаганликлари ҳам бу борада янада тадбирларни амалга оширишни талаб этарди.

1905, 1908 йилларда мусулмон мактаб ва мадрасаларига империянинг муносабати масаласида тузилган комиссиялар мусулмон мактабларини бошқарувини ўқув бошқармаси зиммасига юклаш, лекин таълим дастурларини ислоҳ қилиш керак эмас ҳамда уларнинг ташкил этилиши ўқув инспекциялари рухсати билан амалга оширилиши лозим деган хулосаларни берди⁴⁸. 1909 йилги комиссия эса мазкур тадбирларни самарали амалга оширилиши учун қушимча инспекторлар ловозимларини жорий этилишини ёқлаб чиқди⁴⁹. Лекин бу таклифларни амалга ошириш бўйича амалий чоралар кўрилмади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, анъанавий таълим муассасаларининг мавжуд ҳолати империя манфаатларига мос бўлиб, уларни ислоҳ этиш орқали маҳаллий аҳолини маънан юксалишини истамас эди.

Академик Т.Н.Қори-Ниёзов бу борада фикр юритиб, қуйидаги мисолни келтиради: “1917-1918 йилларда Фарғона шаҳрида иккинчи босқич мактаби

жалб этиш орқали келгиндилар қулига айлантиришни режалаштирган миссионерлик фаолияти қўзғолонга сабаб бўлди. Қўзғолончиларнинг нафрати мансабдорларнинг ва диний мутаассибларининг яширин ташвиқоти натижасида Хитой шимолида 99 йил фойдаланиш шарти билан Хитой-Шарқ темир йўлини барпо этиб фаолият юритаётган Россияга қаратилди. Шу йили май-июнь ойларида қўзғолончилар тусатдан темир йўл атрофидаги қурувчи ва ҳарбийларга ҳужум қилиб, шавқатсизларча кўпчиликни нобуд қилишган.

⁴⁸ Граменицкий С.М. Положение инородческого образования в Сыр-Дарьинской области. – Ташкент, 1916. – С. 46-47.

⁴⁹ Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 926 иш, 109-варақ.

собик директори, педагог-математик Александр Васильевич Яхонтов кўшни Марғилон шаҳри мадрасаларида ўқитиш аҳволи билан танишиб, уларнинг чидаб бўлмас аҳволи ҳақида Фарғона вилоят губернаторига ёзма маълумот беради. Натижада губернатор А.В.Яхонтовни чақиртириб, унга: “Шундай бўлиши ҳам керак, чунки бу ҳолат император олийлари сиёсатига мос келади”, – деб жавоб берган⁵⁰.

Бироқ, XX аср бошига келиб Туркистонда жадиждларнинг маърифатчилик ҳаракати кўчайиб борди. Улар кўп сонли янги усул мактабларини ташкил этдилар. Бу ҳолат империя маъмуруларини ташвишлантирди.

Подшо маъмуриятининг мактаб ва мадрасаларга бундай муносабати кизгин муҳокамаларга сабаб бўлди. Хусусан, Н.П.Остроумов “Эндиликда мадрасалар фаолиятини номига эмас амалда назорат қилиш даври келди. Агар, 1905 йил 17 октябрдан император Николай II томонидан имзоланган манифест асосида Туркистон мусулмонлари Россия фуқаролари билан тенг ҳуқуқли деб тан олинган бўлса, унда маҳаллий мактаблар рус мактаблари каби Халқ маорифи вазирлиги эътиборига сазовор. Бу эътибор юзаки бошқарув билан чекланиб қолмасдан, уларнинг ўқув-тарбия жараёнларини бевосита бошқарувида намоён бўлиши керак”⁵¹ – деб фикр билдирса, С.М.Граменицкий янги усул мактаблари ҳақида, “уларни чеклаш, таъқиқлаш, ёпиб қўйиш ҳукуматга қарши бўлган яширин ҳаракатларни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун уларни жиддий назорат остига олиб империя манфаатлари йўлида фаолият юритишига эришиш керак”⁵², - деб фикр билдирган эди.

Империя ҳукумати маданияти, турмуш – тарзи бўйича Марказий Россия халқларидан тубдан фарқ қилувчи халқларни маънан қарамлигини таъминлаш мақсадида таълим сиёсатини амалга оширар экан, бу сиёсатни аксарият ҳолларда самарасиз бўлганлигини гувоҳи бўлди. Буни империя маъмуриятининг мазкур соҳадаги тадбирларни шакл ва мазмун жиҳатдан ўзгартириб турганлигида ҳам кўришимиз мумкин.

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистондаги анъанавий таълим тизим аҳволи борасида қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

1. XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистондаги анъанавий таълим тизимида турғунлик ҳолати ҳукмрон бўлган. Чунончи, иқтисодий, сиёсий жиҳатдан кўплаб ўзгаришлар ва зиддиятларда мазкур давр учун анъанавий таълим дастурлари, ўқитиш услуби ҳамда мавжуд таълим босқичлари ўз вазифасини “яшаб бўлган”, ундаги дунёвийлик ва замонавийлик масалалари етарлича эмасди ҳамда замонга мос жиддий ислоҳотга муҳтож эди.

2. Анъанавий таълимнинг замонавийликдан холи жиҳатлари империя маъмуриятининг “менсимаслик” сиёсатини кенг қўламда амалга оширишига ҳамда янги ўқитиш тизимини тезлик билан ўрнатишига қулай замин яратди. Бироқ улар томонидан яратилган янги таълим тизими маҳаллий

⁵⁰ Кары-Ниязов Т.Н. Очерки истории культуры Советского Узбекистана 1917 – 1953 гг./ Избранные труды. В 8-и т. – Ташкент: “Фан”, 1967. – С. 65.

⁵¹ Остроумов Н.П. Мадрасы в Туркестанском крае // ЖМНП. 1907 г., - №1. – С. 158-160.

⁵² Граменицкий С.М. Положение инородческого образования в Сыр-Дарьинской области.– Ташкент, 1916.– С.50-51.

аҳоли орасида оммалашмади ва уларда таълим маҳаллий анъаналардан йироқлиги, анъанавий таълим кадриятларни ўзида акс этамаганлиги сабабли мусулмонларни ўзига жалб эта олмади.

3. Империя маъмуриятининг маҳаллий таълимни обрўсизлантиришга қаратилган “менсимаслик” сиёсати ҳамда маҳаллий аҳоли орасида рус маданияти ва тилини ёйишга қаратилган рус таълим муассасалари тизимини жорий этиш ҳаракатларига миллий маърифатпарварларнинг ислохотчилик ҳаракати тўсқинлик қилган.

1867-1881 йиллар давомида Туркистон ўлкасида Россия империясининг таълим ислоҳоти биринчи генерал-губернатор К.П.Кауфман қарашлари асосида амалга оширилди. Унинг мусулмон таълим тизимига нисбатан қўллаган сиёсати натижасида молиявий таъминот тизими заифлашиб қолиши, раис, аъламиён ва мутаваллий лавозимлари тугатилиб мактаб ва мадраслар бошқарувини анъанавий таълим хусусиятларини яхши тушунмайдиган империянинг ўлкадаги ўқув ишлари бўйича инспекцияларига топширилиши оқибатида маҳаллий таълим жараёнида интизом ва тартиблар кўчсизланди. Лекин, мактаб ва мадрасалар маҳаллий аҳоли учун энг асосий таълим даргоҳлари бўлиб қолаверди.

Мустамлакачилик бошқарув тартиби ўрнатилган дастлабки йилларда К.П.Кауфман бошчилигида ўлка раҳбарияти ҳудудда мавжуд ва кўп асрлик тарихга эга маҳаллий таълим муассасалари, айниқса, мактаб ва мадрасаларга нисбатан “менсимаслик” сиёсатини қўллади. Бироқ, XIX аср 80-йилларига келиб мазкур сиёсат қутилган натижаларни бера олмаслиги ва маҳаллий аҳолини “руслаштириш” мақсадида ўлканинг Н.О.Розенбах бошчилик раҳбарияти таълим сиёсатини янги йўналишда ривожлантиришга қарор қилди. Лекин, бу тадбир ҳам катта натижаларга олиб келмади. Зеро, юксак маънавий-маданий мерос соҳиблари бўлган Ўрта Осиё халқларини ғоявий жиҳатдан қарам этиш, мустамлакачилик зулми, миллий камситилиш, урфодат ва миллий кадриятларни поймол этиш орқали эришиб бўлмас эди.

Умуман олганда, Туркистонда мустамлака ҳокимият ўрнатилиши ва анъанавий таълим тизимини обрўсизлантиришга қаратилган империя ҳукуматининг ҳаракатлари XX асрнинг иккинчи ўн йиллигида ўрнатилган совет ҳукумати томонидан давом этирилиб, анъанавий таълим тизимининг бутунлай йўқ қилинишига замин яратган эди. Бунда совет ҳукумати очикчасига зўрлик ишлатиш йўлидан борган.